

ТАБИЙ ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС МАНЗАРАЛИ «ЯШИЛ БЕЛБОҒ»ЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Мадримов Ражаббой Машарипович,

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти

Ер ресурсларини муҳофаза қилиш лабораторияси мудири, б.ф.ф.д. (PhD),

Пайзиева Мадина Улуғбек қизи,

мустақил тадқиқотчи.

Аннотация. Мақолада Хоразм вилояти табиий иқлим шароитига мос «яшил белбоғ» ҳудудларни барпо этиши йўллари амалга оширишга қаратилган тавсиялар тўғрисида фикрлар билдирилади.

Калит сўзлар: Тупроқ, иқлим шўрланиши, дарахт, сугориладиган ер, гужум қайрағоч, қора терак.

Аннотация. В статье приводятся мнения о рекомендациях, направленных на реализацию способов создания «Яшил белбоғ» регионов с учетом природноклиматических условий Хорезмской области.

Ключевые слова: Почва, засоления, климат, дерево, орошаемые земли, карагач гужум, тополь черный.

Annotation. In the article, opinions are expressed on the recommendations aimed at the implementation of ways to establish «Yashil belbog'» areas according to the climatic conditions of Khorezm region.

Key words: Soil, climate salinity, tree, irrigated land, *Ulmus uzbekistanica*, *Populus nigra* L.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-300-сонли қарорининг «67-мақсад: «Экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш» «Барча шаҳарларни тўлиқ «яшил белбоғ»лар билан қамраб олиш»-12 банди»ни ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида манзарали «Яшил белбоғ»ларни илмий ёндошувлар асосида дарахт экиш тадбирлари ўтказиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда [1, 2].

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисми, 60°-61° шарқий, 40°-41° шимолий кенликда жойлашган. Ҳудуд Турон пасттектислигининг шимолий қисмида бўлиб, қадимги Амударё ёйилма(дельтаси)си чап қирғоғининг бир қисми ва ўнг қирғоғида Қизилқумнинг бир оз қисмини эгаллаган. Вилоятнинг 80% дан ортиқ ҳудуди Амударёнинг чап соҳилида, қолган қисми эса унинг ўнг соҳилида жойлашган. Умумий ер майдони 608,2 минг гектар, шундан 264 минг гектари сугориладиган ер майдонлари ҳисобланади.

Хоразм вилояти иқлими кескин континентал бўлиб, ҳудудининг қумлар билан ўралганлиги сабабли ёз кунлари ҳарорат +43°+45°С даражага кўтарилади. Иқлим ўзгаришлари оқибатида ҳудуддаги ёзги ҳароратнинг максимал кўтарилиши ўртача +43°С дан +53°С гача ошганлиги, қишки мавсумларда ҳарорат ўртача -27°С дан - 32°С гача бўлиши кузатилиб, муз ва қор қопламли давр 7-10 кунга қисқарган. Ҳарорат кўтарилиши оқибатида сувнинг буғланиш коэффициентини ошири мазкур ҳудудларда сув ресурсларини камайтишига, танқислигига янада салбий таъсир этмоқда. Вилоятда тарқалган тупроқлар инсон фаолияти таъсирида қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш натижасида, маданий воҳа тупроқларига айланган.

Таҳлил ва натижалар. Хоразм вилояти ерларини қуйидагиларга ажратиш мумкин, яъни,

- Табиий шароити ноқулай бўлган ҳудудлар. Бу ҳудудлар

га вилоятнинг кучли шўрланган ерлари кириб, Орқаунгуз қорақумларида, шунингдек, Янгибозор, Гурлан, Хива, Қўшқўпир туманларининг айрим жойларида учрайди. Шўрхоқлардаги тузлар миқдори 500-1200 т/га га тенг ташкил этади.

- Табиий шароити ўртача қулайликдаги ерлар. Вилоятнинг кўпгина қисмларида – Амударё дарёси ҳозирги водийсининг юқори қайирларида, қадимий Дарёлик ва Даудан водийларида, Шовот, Урганч, Хонқа, Боғот туманларининг айрим қисмларида тарқалган. Ер ости сувларининг сатҳи 1,0 - 3,0 метр чуқурликда, минералланиш даражаси 1-2,5 г/л гача етади. Тупроқлари ўртача шўрланган аллювиал ўтлоқи, баъзи жойларда ботқоқ-ўтлоқи бўлиб, аллювиал ўтлоқи тупроқларнинг туз миқдори 100-350 т/га атрофида.

- Табиий шароити қулай бўлган ерлар. Воҳанинг ясси аллювиал дельта текисликларида, яъни Урганч, Хива, Хонқа туманларининг айрим жойларида учрайди. Ер ости сувларининг сатҳи нисбатан чуқурроқ яъни, 1,0-1,5 метрга етади. Минералланиш даражаси 1 г/л, тупроғи кам шўрланган бўлиб, аллювиал ўтлоқи, туз миқдори 80-150 т/га атрофида (расм.1.) [3,4].



Расм.1. Хоразм вилояти тупроқ-географик ҳудудлари харитаси.

Хоразм вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида тавсия этиладиган дарахтлар руйхати

т/р	Ўзбекча номланиши	Лотинча номланиши	Русча номланиши
1.	Оқ ёки кумушранг терак	<i>Populus alba</i> L.	Тополь серебристый
2.	Қора терак	<i>Populus nigra</i> L.	Тополь черный
3.	Шарқ платани (чинори)	<i>Platanus orientalis</i> L.	Платан восточный
4.	Ингичка баргли жийда	<i>Elaeagnus angustifolia</i> L.	Лох узколистный
5.	Шарқ жийдаси	<i>Elaeagnus</i>	Лох восточный
6.	Пенсильваника шуми	<i>Fraxinus pennsylvanica</i> March	Ясень пенсильванский
7.	Америка шуми	<i>Fraxinus americana</i> L.	Ясень американский
8.	Дала заранги	<i>Acer campestre</i> L.	Клен полевой
9.	Шумтолбаргли заранг	<i>Acer Negundo</i> L.	Клен ясенелистный
10.	Кумушранг заранг	<i>Acer sacharinum</i> L.	Клен серебристый
11.	Оддий қайрағоч	<i>Ulmus laevis</i>	Карагач обыкновенный
12.	Қалин шохли қайрағоч	<i>Ulmus densa</i> Litv.	Карагач густой
13.	дағал қайрағоч	<i>Ulmus scabra</i> Mill	Карагач шершавый
14.	Паст бўйли қайрағоч	<i>Ulmus pumila</i> L.	Карагач приземистый
15.	Гужум қайрағоч	<i>Ulmus uzbekistanica</i>	Карагач гужум
16.	Қоғоз дарахти	<i>Broussonetia</i> L.Herit	Бумажное дерево
17.	Қрим қарағай	<i>Pinus pallasiana</i> Lamb.	Сосна крымская
18.	Ғарб туяси	<i>Thuja occidentalis</i> L.	Туя западная
19.	Ғарб туяси шарсимон шакли	Thuja occidentalis f Globosa	Туя западная форма Шаровидная
20.	Оқ тут	<i>Morus alba</i> L.	Шелковица белая
21.	Қора тут	<i>Morus nigra</i> L.	Шелковица черная
22.	Ғарб туяси пирамидал шакли	Thuja occidentalis f pyramidalis	Туя западная форма Пирамидальная
23.	Канада бағрянниги	<i>Cercis canadensis</i> L.	Багрянник канадский
24.	Гўзал катальпа	<i>Catalpa speciosa</i> Warder.	Катальпа прекрасная
25.	Оқ акация	<i>Robinia pseudoacacia</i>	Акация белая
26.	Япон тухумаги (сафораси)	<i>Sophora japonica</i> L.	Софора японская
27.	Оддий эман	<i>Quercus robur</i> L.	Дуб обыкновенный
28.	Каштанбаргли эман	<i>Quercus castaneifolia</i> C.A.M.	Дуб каштанолистный
29.	Кёльрейтерия ёки совун дарахти	<i>Koelreuteria paniculata</i> Laxm	Кельрейтерия метельчатая
30.	Тўқ сариқ маклюра	<i>Maclura pomifera</i> Schneid.	Маклюра оранжевая
31.	Уч игнали гледичия	<i>Gleditsia triacanthos</i> L.	Гледичия трехколючковая
32.	Унаби ёки жийда дарахти	<i>Ziziphus jujube</i> Mill.	Унаби
33.	Қора маржон	<i>Sambucus nigra</i> L.	Бузина черная
34.	Маака шилвиси	<i>Lonicera Maackii</i> Max	Жимолость Маака
35.	Ялонгоч сумах	<i>Rhus glabra</i> L.	Сумах голый
36.	Бутасимон аморфа	<i>Amorpha fruticosa</i> L.	Аморфа кустарниковая
37.	Тўқ қизил пираканта	<i>Pyracantha coccinea</i> Roem.	Пираканта крававо-красная
38.	Пираканта	<i>Pyracantha Crenulata</i> Roem	Пираканта городчатая
39.	Виргин арчаси	<i>Juniperus virginiana</i> L.	Можжевельник виргинский
40.	Казак арчаси	<i>Juniperus sabina</i>	Можжевельник казацкий
41.	Шарқ биотаси	<i>Biota orientalis</i> Endl.	Биота восточная
42.	Сурия атиргули	<i>Hibiscus syriacus</i> L.	Сирийская роза
43.	Оддий сирень	<i>Syringa vulgaris</i> L.	Сирень обыкновенный
44.	Европа форзицияси	<i>Forsythia europaea</i> Deg.et.	Форзиция европейская
45.	Юмалоқ мевали снежнотодник	<i>Symphoricarpus orbiculatus</i> Moenche.	Снежнотодник округлый
46.	Оқ снежнотодник	<i>Symphoricarpus alba</i> L.	Снежнотодник белый
47.	Дереза	<i>Lycium</i>	Дереза
48.	Баланд бўйли айлант	<i>Ailanthus altissima</i> Swingle	Айлант высочайший
49.	Йирик игнали дўлана	<i>Crataegus macracantha</i> Lodd	Боярышник крупноколючковый
50.	Бир уруғли дўлана	<i>Crataegus monogyna</i> Jacg	Боярышник односемянный

Вилоят суғориладиган ҳудуд ерлари турли даражада деградацияга учраган, гумус ва озук моддалари билан жуда кам, кам ва баъзида ўртача таъминланган ҳолос. Суғориладиган ерларнинг 96% га яқин ҳудуди гидроморф сув режимларида бўлиб, турли даражада шўрланган, хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли ва хлоридли шўрланиш типларида шаклланиган.

Кўкаламзорлаштирилган ҳудуд атроф-муҳит шаклланишида иштирок этса-да, у авваламбор, табиий тупроқ-иқлим шароитлар ва инсон фаолиятига боғлиқ бўлади. Табиий тупроқ-иқлим шароити ўзгача мамлакат ва ўлкалардан келтирилган интродукция қилинмаган Хоразм шароити учун манзарали ва мевали дарахт ва буталарнинг янги навларини экиш самара бермайди, чунки уларнинг янги тупроқ-иқлим шароитларига мослашуви қийин кечади. Бунинг сабаби, ўсимликларнинг атроф муҳит омиллари таъсирида ўзгариши уларнинг реакция меъёрларига боғлиқ бўлади.

Одатда, ўсимликлар ўхшаш иқлим омилларига мослаша олади, шунда ҳам турли навларнинг адаптация хусусиятлари турлича бўлади. Қийин интродукция қилинадиган ўсимликларни янги навларини питомникларда яратиш орқали маҳаллий шароитларда етиштириш мумкин.

Хоразм вилояти ҳудуди учун ўсимлик турларини танлашда уларнинг совуққа, юқори ҳароратга, қурғоқчиликка ва тузга чидамлилигини ҳамда сизот сувлари яқин жойлашганлиги инобатга олиш лозим бўлади. Дарахт ва буталарнинг биологик ва экологик хусусиятлари, ҳудудларнинг иқлими ва тупроқ шароитларига мос бўлиши лозим.

Хоразм вилоятининг воҳа, чўл ва Амударё дарёсининг ўзани ва унга туташ ҳудудларда ўсимликларнинг сув-ботқоқ тўқай, галофит, саҳро ёки чўл туркумларига кирувчи (*қайроғоч* (*еужум*), *жйда*, *тол*, *туронғи*, *саксовул* ва бошқалар) турлари кенг тарқалган.

Хоразм вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида Ўрмон хўжалиги агентлиги муассасаларида, Фанлар академияси Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент ботаника боғида илмий асосда тупроқ иқлим шароитига мослаштирилган, экиш мумкин бўлган манзарали ўсимлик ва бута турлари тавсия этилади [5] (жадвал.1).

Барпо этилган яшил белбоғлардаги кўчатларни экилганидан сўнг парваришlash, суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби – *агротехник тадбирлардан* иборат, дарахтлар танаси атрофидаги тупроқни юмшатиш ва мулчалаш, озиклантириш ишлари ҳамда ўсимликлар экилганидан кейин тутиб кетиши биологик жиҳатдан чидамли ва эстетик манзарабоп яшил майдонларни яратишга қаратилган тадбирларни ўтказиш жараёнида бир қанча талабларга риоя этиш лозим. Бунда, биринчидан – ўсимликларнинг келиб чиқиши, уларнинг биоэкологик хусусиятларини, физиологик ҳолатини инобатга

олиш, иккинчидан – атроф муҳитнинг ноқулай шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Дарахт ва буталарни парваришlash ишлари улар экилганидан сўнг, кўкаламзорлаштириш объектидан фойдаланиш жараёнида, яъни, ўсимликлар ҳаётининг бутун ривожланиш даври давомида мунтазам олиб борилиши лозим.

Ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим, яъни,

Ташкилий-хўжалик тадбирлари – тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш, сувни бошқариш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш тадбирлари билан бирга, турли зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг пайдо бўлишини олдини олувчи тизимни жорий этиш. Бунда, барпо этилган яшил майдонларда, уларнинг атрофлари, зараркунанда ва касалликларнинг пайдо бўлишини олдини олишга қаратилган санитар-тозалаш ишларини ташкил қилиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари захирасини яратиш ва ишлов бериш техникаларни таъмирлаш, туман ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилоти ва биологический лабораториялар билан шартномалар тузиш.

Олдини олиш (профилактика) тадбирлари – уруғларни экишдан олдин махсус фунгицидли ва инсектицидли уруғдориллагичлар билан дорилаш, манзарали ва мевали дарахт, буталарни қуртак ёзмасдан олдин эрта баҳорги дорилаш, барпо этилган яшил майдонларда ва атрофларида қишлоқ зараркунандаларни йўқ қилиш мақсадида, асосан биологик ва экологик жиҳатдан хавфсиз усуллардан фойдаланган ҳолда эрта баҳорги профилактик ишлов ўтказиш.

Ўсимликлар карантини – чет мамлакатлардан хавфли қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларининг Республикамиз ҳудудига кириб қолишини олдини олишга қаратилган ташқи карантин тадбирлари ва бундай объектлар ўтиб қолгудек бўлса, мамлакатнинг бошқа ҳудудларига тарқалиб кетишини олдини олиш мақсадида ички карантин тадбирларини ўтказиш.

Кўкаламзорлаштирилган ҳудуд атроф-муҳит шаклланишида иштирок этса-да, у авваламбор, табиий тупроқ-иқлим шароитлар ва инсон фаолиятига боғлиқ бўлади. Табиий тупроқ-иқлим шароити ўзгача хорижий ўлкалардан келтирилган интродукция қилинмаган манзарали ва мевали дарахтларнинг янги навларини экиш Хоразм шароитида яхши самара бермайди. Чунки, ушбу янги навларининг бу тупроқ-иқлим шароитларига мослашуви қийин кечади. Бунинг сабаби, ўсимликларнинг атроф муҳит омиллари таъсирида ўзгариши, уларнинг реакция меъёрларига боғлиқ бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳудудда экилган кўчатларни парваришlash, суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш яшил белбоғларни барпо этишда долзарб устувор вазифалар ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Гафурова Л.А., Мадримов Р.М., Разаков А.М., Набиева Г.М. Почвы юго-восточной части Хорезмского оазиса. Монография. «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО», Ташкент, 2020.- С. 144.
2. Гафурова Л.А., Мадримов Р.М., Разаков А.М., Набиева Г.М. Экология, генезис, трансформация и эволюция Пит-няского оазиса. Коллективная монография: Основные достижения, подходы и перспективы в повышении плодородия деградированных почв. Москва, 2019. – с. 102-122.
3. Мадримов Р.М., “Хоразм вилояти иқлим шароитига мос “Яшил макон” ҳудудларни барпо этиш йўллари” Ташкент 2023 йил .№4. Агрокимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини журнал.
4. Мадримов Р.М. Хоразм вилоятида манзарали “яшил боғ”ларни барпо этиш йўллари. МУҒАЛЛИМ ҲӨМ ҲЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ Илмий-методикалык журнал. Нукус.5/1-сон.2023й. Б 195-202.
5. Рахимова Н.К Темиров Э.Э Республикамиз вилоятларида кўкаламзорлаштиришда фойдаланилаётган дарахт ва буталар. Ekologiya xabarnomasi. №1/2023. Б 37-41.

OLMA HOSILINI OLMA MEVAXO'RIDAN HIMOYA QILISH

Obidjanov Dilshod Axmed Xuja o'g'li, q.x.f.d.,
Matniyozov Bekzod Ulug'bekovich, ilmiy xodim,
O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti.

Annotatsiya. Xorazm viloyati iqlim sharoitida olma mevaxo'ri uch avlod berib rivojlanadi. Olma mevaxo'riga qarshi mavsumda 4 marta ishlov berish natijasida xarajatlar 2,5 barobar qoplanadi. Quyidagi insektisidlarni olma mevaxo'riga qarshi: karate (0,05%), avirmec ec (0,1%), alifagard (0,03%)+omay (0,15%)+bayleton (0,05%), BI 58 yangi (0,2%) shu me'yorda ishlab chiqarishga tavsiya etiladi.

Kalit so'zlar: Mevadi bog', olma, olma mevaxo'ri, zararkunanda, qurtlar, insektisid, qarshi kurash, biologik samara, hosildorlik.

Annotation. In the climatic conditions of the Khorezm region, the apple fruit grower develops by giving three generations. As a result of 4 treatments per season against the apple borer, costs are covered 2.5 times. Use the following insecticides against the apple fruit borer: karate (0,05%), avirmec ec (0,1%), alifagard (0,03%)+omay (0,15%)+bayleton (0,05%), BI 58 (0,2%) is recommended for production at this rate.

Key words: Orchard, apple, apple fruit eater, pest, worms, insecticide, control, biological effect, productivity.

Аннотация. В климатических условиях Хорезмской области яблоневый садовод развивается тремя поколениями. В результате проведения 4 обработок за сезон против яблоневой мотыльки затраты окупаются в 2,5 раза. Против яблоневой мотыльки используйте следующие инсектициды: каратэ (0,05%), авирмес ес (0,1%), альфагард (0,03%)+омай (0,15%)+байлетон (0,05%), БИ 58 новый (0,2%) Рекомендуется использовать производства в этой норме.

Ключевые слова: Сад, яблоня, яблоневый плодоед, вредитель, черви, инсектицид, борьба, биологическое действие, продуктивность.

Kirish. Mevali bog' zararkunandalari hosilga, nafaqat o'suv davrida, balki mevani tinim davrida ham katta zarar yetkazadi. Tangaqanotli hasharotlar (Lepidoptera) mevali daraxtlar zararkunandalari orasida o'ziga xos o'rin egallaydi. Ular katta miqdordagi turlarni ifodalovchi turli oila vakillari hisoblanadi. Tangaqanotlilar va boshqa mevali bog'lar zararkunandalariga qarshi qator kurash choralari o'tkazilishiga qaramay, mamlakatimizda mevalardan yuqori hosil olish bugungi kunning muammolaridan hisoblanadi. Ma'lumotlarga ko'ra, zararli organizmlar ta'sirida mevalarni yalpi hosilining kamayishi o'simliklarni himoya qilishning mavjud texnologiyalarida 25-30 % ni tashkil etadi. Olma mevaxo'riga qarshi kurash choralari qo'llanilmagan holda 80% gacha hosilni yo'qotish, qolgan zararlanmagan mevalarning sifatini esa to'la yo'qotish mumkin [2, 4, 5].

Karpofaglar - meva elementlarini shikastlovchi zararkunandalar. Mevali daraxtlarning barcha hosil elementlari zararkunandalar bilan shikastlanadi. Bu zararkunandalarning ko'pchilik qismini kapalaklar guruhining vakillari bargo'rovchilar-karpofaglar tashkil etadi, ammo boshqa guruh vakillari ham mavjud bo'lib, (qo'ng'izlar, uzunburunlar, pashshalar va b.) ular ham meva bilan oziqlanadi. Mevalarning biologik pishiqlik davrida qushlar ham (mayna) meva zararkunandalari sifatida katta ahamiyatga egadir. Ular orasida asosiy tur olma mevaxo'ri hisoblanadi, u polifag bo'lib, barcha joyda uchraydi va yuqori darajada zararlash xususiyatiga egadir [3, 4, 5].

Olma mevaxo'ri - *Laspeyresia pomonella* L. U olma, nok, behi, shaftoli va boshqa mevali daraxtlarning doimiy zararkunandasi hisoblanadi. Olma mevaxo'rining qurtlari mevalarni zararlaydi, kemirib oziklanadi va izlar hosil qilgan holda uning ichida yashaydi. Qurtlar meva to'qimalari va tuzilmasini buzishi oqibatida mevaband zaiflashadi, natijada qurtlagan mevalarning katta qismi to'kilib ketadi [2, 3, 4].

Tadqiqot materiallari va uslubi. asosiy tadqiqotlar olma mevaxo'ri ustida olib borilmoqda, tajriba va kuzatuvlar entomologiyada qabul qilingan uslublar asosida bajarildi (Yaxontov, 1953; Murodov, 1986). Zararkunandalarning zichligi uslubiy ko'rsatmalar (Xo'jaev, 2004). Laboratoriya va dala tajribalarida biologik samaradorlik nazoratga nisbatan Abbot (Abbot, 1925) formulasiga muvofiq aniqlandi.

Tahlil va natijalar. Olma mevaxo'riga qarshi tizimli kurash choralari o'z vaqtida o'tkazilmasa ertagi olma navlarida – 30%, yozgi o'rtagi navlarda 40-50%, kechki nisbatan qimmatli navlarda – 80% gacha zararlanadi. Bunda bog'lardan olinadigan foyda qariyb yarmiga va undan ortiq kamayadi [3, 4, 5].

Mavsumda olma mevaxo'ri Xorazm viloyatining Shovot tumanida uchta avlod berib rivojlanadi. Mevaxo'r kulrang bo'sh pillada diapauzadagi qurtlik davrida qishlaydi.

Olma mevaxo'rining yetuk zoti faqatgina kun botishga 2-3 soat qolganda, havoning harorati +16°S dan past bo'lmagan, shuningdek shamol va yomg'ir bo'lmaganda uchadi, urchiydi va tuxum qo'yadi. Yetuk zotlari asosan daraxt shox-shabbosining yuqori qismiga va barg va mevalarning silliq yuzasiga bittadan tuxumlarini qo'yib chiqadi. Bitta urg'ochi zot iqlim sharoitlari va mevali ekin turiga bog'liq ravishda 30 dan 200 donagacha tuxum qo'yishi mumkin. Utuk zotlarining uchishi va tuxum qo'yishi bir oydan ortiq davom etadi [2, 4].

Shunday qilib, o'rtacha hosildorlik bog'larda olma mevaxo'rining zararliligi sezilarli bo'lishi mumkin, 80-100 ta mevadan 2 tasi zararlanganida ishlov berish maqsadga muvofiq. Olma mevaxo'ridan himoyalangan daraxtlarda pishgan mevalar orasida zararlanganlari 9,3-12,2%, nazoratda esa 59,3-72,2% ni tashkil etdi. Himoyalangan daraxtlarda hosilning chiqishi 85,3-90,7%, nazoratda esa 25,1-32,2% atrofida bo'ldi; bunda terilgan mevalar orasida zararlanganlari 2-2,4%, nazoratda esa 41,7-27,8% ni tashkil etdi. Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan